

Пудрат шартномаси
(Жорий таъмираш)

Обод-2022-100-сон

2022 йил "23" оғиз

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сурхондарё минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **А.Боқиев** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **QURILISH RAVON YO'LLAR МЧЖ** номидан Низом асосида иш кўрувчи: **Б.Каршинев** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172-сонли "Обод кишлок" ва "Обод махалла" дастуриларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги карорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шахар) хокимлари тасарруфидаги бўлган ички хўжалик йўлларида Республика бюджет маблаглари хисобидан таъмираш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки 05.04.2022 йилги №12 Манзилли дастурига асосан ҳамда, 19.05.2022 йилдаги

№ 78552 сонли лот Протокол карори 2022 йилда РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТ МАБЛАГЛАРИ ҳисобидан таъмирашни белгиланган Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Боғибод МФЙ Кизил олма кишлоги кучасини жорий таъмираш (шагал коплама етқизиш)га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

"ижро хўжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хўжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хўжатлар:

"қурилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади.

"вактинчалик ишлар": Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар тиғдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

"беркитилган ишлар":- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари кийматининг аник белгиланган холда шартнома бўйича объектни умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. Шартнома мавзуси

• 2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза хulosасига келишилган муддатларга асосан Шеробод тумани Боғибод МФЙ Кизил олма кишлоги кучасини жорий таъмираш (шагал коплама етқизиш) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва гўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг қарори (19.05.2022 йилдаги №78552 сонли лот Протокол қарори) билан тасдиқланган баенномага асосан барча соликлар, йигимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган холда жорий нархларда **143 000 000** (бир юз кирк уч милион) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;
- ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хўжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1a" иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмла ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камидаги 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- "1" иловага мувофик қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб берини, уларни кабул килиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмuni, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

-объектда тасдиқланган лойихага мувофик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асоб-ускуналари, транспорт воситалари,

анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактнчалик бинолардан бүшатиш;

курилиш майдонини құрғыланишини таъминлаш;

курилиш жарағында жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлігіні таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тұлғы қажмада бажаришиның үз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бүйічі барча ишларнинг үз күчлери билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларнинг 50 %-дан күп бұлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдода тұлғы мулкін жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартноманы бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланған күндан бошлаб уч күн муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқлы бұлған курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугалланғунча бұлған даврда далолатнома бүйічі Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йүл курилиши сифаты техник назоратини ва мазкур шартномада кайд этилған Пудратчи томонидан кабул қилинған мажбуриятлар ва бошқа функцияларға риоға этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланған ишларни амалдаги конунчылық хужжатларига мувофиқ кабул килиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига "ІБ" иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалға ошириш;

- мазкур шартнома имзоланған күндан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларни кабул қилиш учун зарур булған ижро хужжатлары рүйхатини тақдым этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилған мажбуриятларни тұлғы қажмада бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддаты

10. Шартнома миллий валюта (сұмда) үзаро хисоб-китоб қилинғандан томонлар учун имзоланған пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килған холда миллий валютада (сұмда) үзаро хисоб-китоб қилинғандан шартнома конун хужжатларға мувофиқ рүйхатдан үтказилғандан кейин күчгә киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадын молиялаштириш жадвалига мувофиқ, бириңчи аванс тұлови түшгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аникланған муддатда ишларни тұлғы яқунлайди..

12. Курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланған күндан эътиборан **60 күнни ташкил этади.** (бажарии графигига асосан)

13. Мазкур шартнома бүйічі ишларнинг муддаты ҳамда бажариладын ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофиқ амалға оширилади.

VII. Тұловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бүйічі ишлар умумий кийматининг 30 % мінорида, аванс үтказади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалларын асос хисобланады (1б-илова)

16. Буюртмачи ва Пудратчи хар ойда бажарилған ишларни "Маълумотнома-хисоб-фактура"га асрасан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилған ишлар сифаты текширилғандан кейин, берилған авансни хисобға олған холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг 70 % гача дөнрасыда амалға оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматнинг колган кисеми Буюртмачи ва Пудратчи үртасидаги узил-кесіл хисоб-китоб курилиши тугалланғандан кейин ва объект кабул комиссиясы томонидан белгиланған тартибда кабул қилинғандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланған кафолат муддати (бир йыл) тамом бұлғандан кейин ишлар кийматининг 5% гача мінорида, амалға оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилғунга кадар мазкур шартнома бүйічі мулк хукукини үзіда саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилғунга кадар, объектнинг тасодиғий йүк килиниши ва шикастланиши хавғи Пудратчининг зиммасыда бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бүйічі үз зиммасига кабул килған мажбуриятларни шартнома күчгә кирган күндан бошлаб 30 күн мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун хужжатларыда белгиланған тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килған холда, шартномага үзгартыришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор киших хукукита әгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилған ишлар учун ҳақ тұлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида үз вакилені – Техник кузатувчыны тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилған ишлар сифаты устидан техник назоратни амалға оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланыладын материаллар ва асбоб усқуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади. Аникланған камчиликларни үз вактида бартараф этиш бүйічі барча чораларини күради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор килиб боради.

21. Техник кузатувчи ишлар бажарилышининг ва шартноманыннан бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлары билан түсінкен танишиш хукукига әгадир.

22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан үтказыладын курилиш майдонида ишларни амалға ошириш өчінде пайдо булувчи масалаларни ҳал килиш бүйічі йнгилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бұлымда құрсағылған муддаттар билан мувофиқлаштырылған үз режаси ва жадвалига биноан объекттада ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объекттада ишларни олиб бориши тартибини курилишда Давлат назорат инспекциясы билан келишади ва унга риоға этилиши учун конун хужжатларыда белгиланған тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифасы хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонида бериш тұғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштыриш ва етишмәттік тупрокни казиб олиш учун жой ажратылған тұғрисидаги хужжатлары беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш түғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бүйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нұкталарын, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нұкталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг түғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари үлчамлари булиши ва уларнинг мувофиқлиги түғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларидан хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни үз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия булиши ишларидан ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалиларни сактайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бүйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинача улашни ва улаш нұкталаридан янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи үзи томонидан курилишда құлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналарни ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларидан күрсатилған спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик булишини хамда уларнинг сифатини тасдиковчи сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

32. Алохила беркитилген конструкциялар ва беркитилген ишлар тайёр булишига қараб уларни кабул килишни бошлапшыдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равища хабардор килади.

33. Қабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан матьсул конструкцияларни оралиқ кабул килиш далолатномалари хамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтариға киритилған ёзма рухсатномасидан кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилған бұлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бұлса, ёки кечиқиң хабардор килинған бұлса, у холда унинг талаби бүйича Пудратчи Буюртмачининг күрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталған кисменині үз хисобидан очишига, сұнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манбағаларга жиддий таъсир кильмайдынан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошира, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлыгини исоблатласа жавобгар хисобланмайды.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарылғанлыгини аникласа у холда Пудратчи үз күчләри билан ва курилиш кийматини құпайтырмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилған муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккінчи хат бошида күрсатилған холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарылған ишларни келишилған муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечиқиң оқибатида етказилған заарларни Буюртмачига тұлайды.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ күча полосасини, шу жумладан йўл участкаларни ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сактайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан күрсатилған жойга чиқарып ташлади.

38. Ишлар бошланған пайтдан бошлаб улар тугалланғунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарины юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг үзаро муносабатларидан ахамиятта эга бұлған ҳолатлар (ишларнинг бошланиши) ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилүүши, хизматлар күрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олинүүши үтказилған синовлар, материаллар үз вактида етказиб берилмасылғы билан боғлик тұхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши түғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мүмкүн бұлған барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида үз фикирини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища күрсатилған камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-талбирларини үз зыммасига олади.

IX. Ишларини құреклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланған обьект Буюртмачи томонидан кабул килиб олинғунга кадар четлари түсилған курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мұлқар зарур даражада құрекланишини таъминлайды.

40. Тикланған бино ва ишиштөрлөр шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мұлқар обьект кабул килиб олинғандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгіб бұлмайдынан күч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бүйича мажбуриятлар кисман ёки тұлғык бажарылмасылғы табиат ходисалари ва бошқа енгіб бұлмайдынан күч ҳолатлары натижасыда келиб чыкса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарылышыга бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тұлғык бажарылмасылғы учун жавобгарлардан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бүйича мажбуриятларни бажариш муддати енгіб бұлмайдынан күч ҳолатлары амал қылған, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирған вактда мутаносиб равишида узайтирилади.

42. Агар енгіб бұлмайдынан күч ҳолатлары ёки уларнинг оқибатлари бир ойда күп вактда құзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар қурилишини мухокама киладилар.

43. Агар томонлар иккى ой ичидә келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишігә ҳақлидір.

XI. Курилиши тугалланған обьектни қабул килиб олиш

44. Курилиши тугалланған обьектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бұлған белгиланған тартибіге мувофик мазкур шартномада назарда тутилған барча мажбуриятлар томонлар тарафынан бажарылғандан кейин, шунингдек курилиши тугалланған обьектни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланған қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Обьектни фойдаланишга тайёрлиги түғрисиде Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинған кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг VII бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги иккى нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиклигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килинишни;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг кабул килиб олиш тўгрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камиди 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камиди 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниклануб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор килиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кечикирилган холда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришинома юборади.

56. Шартнома бекор килинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Узбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида”ги Узбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,1 % микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи объекtnи ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5% фоиз микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объекtnи шартномавий жорий кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5% фоиз микдорида пеня тўлайди. бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2021 йил учун белгиланган иш ҳажми кийматининг бажармаган кисмидан Буюртмачига 1 фоиз микдорида жарима тўлади.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у холда Буюртмачи қурилишда давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида обьектни кабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20% фоизи микдорида ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларниң бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиши тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибида иқтисодий суд томонидан қўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса хакиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда таедиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонидаги ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечиктиришга хаклидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

72. Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал килади.

Буюртмачи:

Пудратчи:

“Сурхондарё минтақавий йўлларга
буйортмачи хизмати” давлат ушшар
корхонаси

QURILISH RAVON YO'LLAR MCHJ

Термиз шаҳар Олмазор кўчаси 42-үй
Тел: 221-26-35 Факс 221-19-22

Шеробод тумани Гурин Гиламбоб кучаси

ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

ИНН:307906084 ОКЕД

Ш/х: 304521860222237045129118004

х/р 2020 8000 7053 0472 2001

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон

ТИФ Миллий банк Термиз булими

Республикаси Молия Вазирилиги Ғазначилиги

МФО 00324

Ғазна: x/b 23402000300100001010

ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014

Ғазначилик бўлими ИНН: 201122919

Директор


А.Бокиев

Директор:

Б.Каршиев

Ушбу шартнома мазмунни амалдаги Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кимияси “Хужадик юртгувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги конуни ва бошка конун хужжатлари тиббий таҳсилоти макони тузилган.

24.05.2022 йил



Ф.Тураев



Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Богибод МФЙ Кизил олма кишлоги кучасини жорий таъмирлаш (шагал коилама етказиш)
объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Богибод МФЙ Кизил олма кишлоги кучасини жорий таъмирлаш (шагал коилама етказиш) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

МОЛНИЯЛАНТИРИШ ГРАФИТИ

Молнилантириш шартлари	Йиллар	Шу жумладан ойлар												Жами
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Ийлак иш зажиганинг ажратилган аванс маблаги	2022 йил					42 900 000,0								42 900 000
Ажратилган аванс маблагининг ойлар буйича тасвимланалига кисми	2022 йил					42 900 000,0								42 900 000
Ажратилган аванс маблагини ишботта олиб, бажарилган эшларни молнилантиришига ажратилган маблаг	2022 йил					100 100 000								100 100 000
Жами	2022 йил		0	0		143 000 000	0,0	0,0	0,0	0	0	0	0	143 000 000
Жами молнилантирилалиган маблаг														

Буюртмачи



Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Богибод МФЙ Кизил олма кишлоги кучасини жорий таъмирлаш (шагал коплама етқизиш)
объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Богибод МФЙ Кизил олма кишлоги кучасини жорий таъмирлаш (шагал коплама етқизиш) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

БАЖАРИНГ ТРАФИГИ

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	2022 йил												Объектининг умумий киймати	
			1-квартал			2-квартал			3-квартал			4-квартал				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	Курилиш- монтаж ишлари	2022	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
	Жами		-	-	0.0		143 000 000	0	0	0	-	-	-	-	143 000 000	

Буюртмачи



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 78552 на приобретение Шеробод тумани
Боғибод МФЙ Кизил олма кишлоги кучасини жорий таъмирлаш (шагал коплама етқизиш)**

Способ проведения электронный

Дата 19.05.2022

Время рассмотрения 19.05.2022 09:00

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK (Sherobot) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МИБХ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МИБХ
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LΙ	Бош мутахассис	Сурхондарё МИБХ
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МИБХ
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LΙ	Булим бошлиқ	Сурхондарё МИБХ
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Лойиха бўлим бошлиғи	Қурулиш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.05.2022 года № лота 78552.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Шеробод тумани Боғибод МФЙ Кизил олма кишлоги кучасини жорий таъмирлаш (шагал коплама етқизиш)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	143 580 000.00
Стартовая сумма	143 580 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Бинарное значение

Описание: "Иштирокчининг банкидан картатека йуклиги хакида маълумот, Солик органларида соликдан карзи йуклиги түгрисида тасдикланган маълумот, Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солик тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача

миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма мабла

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Уткир" КТХФ	20	1	16	Экспертная		
Шерабод ТИФУК	20	1	18	Экспертная		
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	20	1	20	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	18	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Бинарное значение

Описание: Танловда иштирок этувчи ташкилот ҳакида умумий маълумот гувохномаси, СОҲАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИда автомобиль йуллари ва куприкларда рейтинг курсатикини мавжудлиги. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). Ишлаб-чикариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги. Ходим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Уткир" КТХФ	20	1	20	Экспертная		
Шерабод ТИФУК	20	1	18	Экспертная		
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	20	1	20	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	18	Экспертная		

Критерий №3 Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: "Охирги 3 йил давомида Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ваундан кўп. Танлов савододагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш. "

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Уткир" КТХФ	20	1	16	Экспертная		
Шерабод ТИФУК	20	1	18	Экспертная		
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	20	1	18	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	16	Экспертная		

Критерий №4 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаринг баллари 30% камайтирилади).Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Уткир" КТХФ	20	1	20	Экспертная		
Шерабод ТИФУК	20	1	18	Экспертная		
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	20	1	20	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	16	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"Уткир" КТХФ	143 580 000.00	141 500 000.00	15.05.2022 20:14:36	19.48
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	143 580 000.00	143 000 000.00	15.05.2022 22:15:12	19.28
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	143 580 000.00	142 000 000.00	15.05.2022 23:17:03	19.41
Шерабод ТИФУК	143 580 000.00	137 836 800.00	15.05.2022 21:54:19	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"Уткир" КТХФ	72	19.48	91.48
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	78	19.28	97.28
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	68	19.41	87.41
Шерабод ТИФУК	72	20	92

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 78552 от 19.05.2022 года на приобретение Шерабод тумани Боғиобод МФЙ Кизил олма кишлоги кучасини жорий таъмирлаш (шагал коплама етказиши) определила победителем:

ООО QURILISH RAVON YO'LLAR
307906084

и резервный исполнитель: Шерабод ТИФУК (200497603)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Согласен	
Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Турон" bank Tel-Fax:
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Doniyorov Anvar Abdullayevich

Sana:14-04-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 36707

Obyekt nomi «Surxondaryo viloyati Sherabod tumani "Bogiobod" MFY xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha»

Buyurtmachi - "Surxondaryo viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK

Bosh loyihachi - "Janub yolloyixa" MChj
Litsenziya AL-000657 sonli 02.04.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - Budget mablag'lari
Bosh pudratchi - Tanlov savdolarida aniqlanadi

Qurilish turi Joriy ta'mirlash

Murojaat raqami: № 36634

1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18-martdagi PQ-172-sonli "Obod-kishlok" va "Obod-maxalla" dasturlarini amalga oshirish chora-tadbirlari tug'risidagi qarori.
- 1.2. Bandixon tuman hokimi o'rinosi tomonidan kelishilgan va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasi.
- 1.3. Buyurtmachining tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan loyixalash uchun topshiriq.
- 1.4. Surxondaryo viloyati avtomobi yo'llari xududiy bosh boshqarmasi va Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan qurilish ishchilarining ish haqi, mashina va mexanizmlarning ekspluatatsiyasi, tovarlarni tashish, qurilish materiallari, pudratchining boshqa xarajatlari narxlari kelishuv bayonnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

ShNK 1.03.01-16 talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan ishchi loyiha.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Ushbu loyiha, Surxondaryo viloyati Sherabod tuman "Bogiobod" MFY xududidagi ichki yullarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida joriy ta'mirlash maqsadida amalga oshirish rejorashtirilgan.

Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan, joriy ta'mirlashda ko'chalar

kesimida quyidagi ishlar bajarilishi ko'zda tutilgan:

- *Markaziy qishlogi kuchasi L=1099m. b=4.5m. Kuktosh qishlogi ko'chasi L=1300 m, b - 4,5 m; Sherjon qishlogi kuchasi L=896 m, b - 4,5 m; Qizil olma qishlogi kuchasi 820m, b- 4,5 m ja'mi-4115m;* saralangan QShA dan tekislovchi qatlam yotqizish va ustidan bitum sepish hamda mayda zarrali issiq asfaltobeton qoplamacan N-5sm qalinlikda qoplama yotqizish yol chtida QShA 5sm qalinlikda yolni ikki chetini mustaxkamlovchi qism yotqizish,
- *Qizil Olva. Kuktosh. Sherjon va Saroi ko'chasini L=5401 m v- 4,5 m - saralangan 20sm qalinlikda QShA qoplama qurish.*
- *Markazi-1 qishlogi ko'chasi L=1126 m v-4,5 m, saralangan QShA dan asos qatlam yotqizish va M-300 beton 18 sm qalinlikda qoplama qurish,*

3.1. Qurilish ishlarning davomiylik muddati

QTL taqvimi jadvaliga ko'ra qurilish davomiylik muddati 4 oyni tashkil qiladi.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza jarayonida (lokal) ekspert xulosaning izohlariga muvofiq ishchi loyixani quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

- resurs ko'rsatkichlarining narxi (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transprot harajatlari, materiallar) buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan narx kelishivi bayonnomasi mavofiq to'g'irlandi.
- Qurilish tashkillashtirish loyixasi va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyixalash topshirig'i taqdim etildi.

6.2.Qurilish narxi sarxisobi:

Taqdim etilgan loyixani qurilish ishlari qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) bilan- **3 257 767.607 ming so'mni** tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra, taqdim etilgan qiymati **254 448.19 ming so'm** miqdorida kamaytirilib-**3 003 319.417 ming so'mga** tasdiqlash uchun tavsiya etildi, shu jmladan:

- QMI.....-2 487 221,049 ming.so'm,
- QQS.....-373 083,157 ming.so'm,
- buyurtmachining boshqa xarajatlari.....-143 015,210 ming.so'm.

Ob'ektning umumiyligi qiymati ichida ko'chalar kesimidagi qiymati:

ming.so'mda

N p.p	Yo'llarning nomi	Smeta bo'yicha jami	Shu jumladan buyurtmachi BX
1	Markaziy1- kuchasi L-1,26 km (beton-qoplama)	959 031,975	948489.945
2	Ko'ktosh qishlogi kuchasi L-0,308 km QShA qoplama	25 497,271	25069.339
3	Sherjon qishlogi kuchasi L-0,467 kmQShA qoplama	39 210,733	38551.883
4	Qizil Olma qishlogi kuchasi L-1,789 kmQShA qoplama	306 670,322	150758.707
5	Saroi qishlogi kuchasi L-2,837 km QShA qoplama	250926,216	242565.604
6	Markaziy qishlogi kuchasi L-1,098km asfalt qoplama	439 795,846	437297.006
7	Ko'ktosh qishlogi kuchasi L -1,3 km asfalt qoplama	587 802,813	515441.053
8	Sherjon qishlogi kuchasi L-0,896 km asfalt qoplama	319270,540	317456.502
9	Qizil Olma qishlogi kuchasi L-0,820 km asfalt qoplama	329 561,889	327689.378

Kamayishga ayrim qurilish materiallari narxlarini aniqlashtirish natijasida erishildi.

6.3. Ushbu joriy ta'mir ishchi loyihasi buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan tekshirildi va "Shaxarsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK nuqsonlar qaydnomasida keltirilgan ish xajmlarining haqqoniyligi va asosligiga javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

6.4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17-sentabrdagi 579-sonli qarorining 7-ilovasiga muvofiq.

- yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng nazorot o'Ichovi natijalari asosida aniqlanadi;
- ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan xujjalarning to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyixa yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini xisobga olgan xolda "Surxondaryo viloyati Serabod tumani "Bogobod" MFY xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash" ishchi loyixasi bo'yicha joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha qiymatini kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya qilinadi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 6 martdagи 261 sonli qaroriga va ShNK 04.01.06-09 asos tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

Bosh mutaxassis: Raxmonov Shuhrat Jumayevich